

**4-5-маъруза.
Хавфли ишлаб чиқариш ва
унинг бажарилишиning
алгоритми.**

Режа

- 1. Ишлаб чиқариш корхоналиниң фаолият турлари**
- 2. Саноат хавфсизлигини бошқаришда давлат тизими**
- 3. Хавфсизлиги декларатсияланиши керак бўлган хавфли ишлаб чиқариш обектлари.**
- 4. Хавфсизликнинг комплекс тизимлари**
- 5. Алгоритмик тизимлар ҳақида тушунча**

ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР РЎЙХАТИ

Асосий:

- Gazinazarova S.M., va b. Hayot – faoliyat xavfsizligi. O‘quv qo‘llanma. Toshkent, 2012 y. -138 bet.
- Yormatov G‘.YO. va boshqalar. Hayot faoliyati xavfsizligi. –T.: “Aloqachi”, 2009 yil. – 348 b.
- Qudratov A. va b.. "Hayotiy faoliyat xavfsizligi". Ma’ruza kursi. “Aloqachi” -T.: 2005. -355 b.
- G‘oyipov H.E. Hayot faoliyati xavfsizligi. –T.: “Yangi asr avlodi”, 2007 yil. – 264 b.
- Nigmatov I., Tojiev M. X. "Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi" Darslik.-T.: Iqtisod-moliya. 2011. -260 b.
- Tojiev M. X., Nigmatov I., Ilxomov M. X. «Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi» O‘quv qo‘llanma. –T.: “Iqtisod-moliya”, 2005. - 195 b.
- Ёрматов F. Ё. ва бошқалар. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. -T.: 2005.

Қўшимча:

- “Меҳнат Кодекси”. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2005 й., 37-38 - сон.
- “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. –Т.: 2002 й., 1-сон.
- **Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг қарори №286, 06.06.1997, –Т.: 1997.**
- **“Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон.**
- **Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар ва талабалар билан юз берган баҳтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисида НИЗОМ. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, -Т.: 2011 й., 3-сон, 29-модда.**
- **Бобоҷонов Р.Д., Ибрагимов Э.И. „Ҳаёт-фаолият хавфсизлиги” фанидан маъruzалар матни тўплами. Тошкент, 2000 й.**

1. Ишлаб чиқариш корхоналиниг фаолият турлари

Саноатда хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини ташкил қилиш бошлиқлар, мутахассислар ва барча ишчиларниң асосий вазифа ва мажбуриятидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришда тақсимланиши ташкил қилиш, мутахассисларниң мажбурияти, штат ва бошқарув структураси аникланади.

Хавфсизлик соҳасида ишлаш етарлича даражадаги турли хил, мураккаб фаолият ҳисобланиб, раҳбарлардан маҳсус билимларга эга бўлишни, юқори касбий маҳоратни, тажриба, катта жамоада ишлаш кўниқмаларига эга бўлишни талаб қиласди. Саноат хавфсизлиги шахс ва жамият ҳаётий мұхим манфаатларининг хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги авариялар ва нохуш ҳодисалардан ҳамда уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик ҳолатидир.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги авария иншоотлар ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш объектларида қўлланиладиган техника қурилмаларининг бузилиши, назорат қилиб бўлмайдиган портлаш ва (ёки) хавфли моддалар ажралиб чиқишидир.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги нохуш ҳодиса хавфли ишлаб чиқариш объектларида қўлланиладиган техника қурилмаларининг ишдан чиқиши ёки шикастланиши, технология жараёни режимидан четга чиқиш, саноат хавфсизлиги сорасидаги қонун ҳужжатларида, шунингдек норматив техник ҳужжатларда кўрсатилган талабларнинг бузилишидир.

Меҳнатни муҳофаза килиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсиялар (кейинги ўринларда – “Тавсиялар” деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 216-моддаси, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Конунининг 8 ва 11-моддалари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, корхоналарда меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, ходимларни санитария-маиший шароитлар билан таъминлашни режали равишда амалга оширилувчи ташкилий-техникавий ва санитария-соғломлаштирув тадбирларини белгилайди.

5. Ходимларни махсус кийим, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, заарли меҳнат шароитларида банд бўлганларга даволаш-профилактика озиқ-овқат махсулотлари ва сут (шунга тенг бошқа озиқ-овқат махсулотлари) билан таъминлаш, бино (ишлаб чиқариш, маъмурий, майший, оммавий, омбор)ларни, иншоотларни, хоналарни, қурилиш ва саноат майдончалари ҳамда ишлаб чиқариш воситаларини таъмирлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади ва жамоа шартномасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битимиға киритилмайди.

Иш вақтида вафот этган бўлса жароҳат олганда бир марталик нафақа ходимнинг бир йиллик иш ҳаққи миқдоридан кам бўлмаслиги керак, уни даволатиш ҳам ташкилотнинг ҳисобидан бўлади.

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 апрелдаги
168-сонли «Ички ишлар органлари ҳарбий
хизматчилари ва ходимларини ижтимоий ҳимоя
қилишни кучайтириш бўйича қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофик,
хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган
ёки тан жароҳати олган ички ишлар органлари
ходимлари ва ҳарбий хизматчиларига бир йўла
тўланадиган нафақани (кейинги ўринларда нафақа
деб юритилади) тўлаш тартибини белгилайди.

1. Мазкур Йўриқнома қўйидаги шахсларга нисбатан татбиқ этилади:
ички ишлар органлари ходимларига;
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда ИИВ деб юритилади) Коровул қўшинларининг ҳарбий қисмларида ва Тошкент олий ҳарбий техник билим юртида муддатли ҳамда шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга;
ИИВ тизимига кирувчи таълим муассасаларида таҳсил олаётган курсант ва тингловчиларга.
2. Ички ишлар органи ходими ва ҳарбий хизматчиси (кейинги ўринларда ходим деб юритилади) хизмат вазифасини бажараётган вақтда ҳалок бўлганда, унинг меросхўрларига марҳумнинг ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача бўлган миқдорда нафака тўланади.
3. Ходим хизмат вазифасини бажараётган вақтда яралангандা, майиблангандা ёки контузия олганда (кейинги ўринларда тан жароҳати деб юритилади), унга: оғир тан жароҳати олганда, ойлик иш ҳақининг 25 бараваригача бўлган миқдорда;

ўртacha оғир тан жароҳати олганда, ойлик иш ҳақининг 10 бараваригача бўлган микдорда нафақа тўланади.

4. Енгил тан жароҳати олган ходимга нисбатан нафақа расмийлаштирилмайди.

5. ИИВнинг Портловчи қурилмалар ва моддаларни зарарсизлантириш ва йўқ қилиш махсус отряди ва Алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отрядлари ҳамда уларнинг қуий тизими ходимлари хизмат вазифасини бажараётган вактда: ҳалок бўлганда, унинг меросхўрларига марҳумнинг ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача бўлган микдорда; оғир тан жароҳати олганда ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача бўлган микдорда;

ўртacha оғир тан жароҳати олганда ойлик иш ҳақининг 20 бараваригача бўлган микдорда нафақа тўланади.

6. Нафақа олишга нисбатан даъво муддати талабларининг қўлланилиши Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига асосан амалга оширилади.

Хавфли ишлаб чиқариш объектлари жумласига:

1) Күйидаги хавфли моддалар: портлаш-ёнғин хавфи бўлган муҳитни юзага келтириши мумкин бўлган моддалар; тасдиқланган стандартларга мувофик тирик организмга таъсир қилиш даражасига кўра I, II ва III хавфлилик даражаларига (ўта хавфли, юқори даражада хавфли ва ўртача даражада хавфли) мансуб заарли моддалар; муайян турдаги ташқи таъсир чоғида иссиқлик ажратган ва газлар ҳосил қилган ҳолда ўз-ўзидан жуда тез тарқаладиган кимёвий ўзгарувчан портловчи моддалар; инсон соғлиги ва атроф-муҳит учун хавфли контцентрацияли моддалар мавжуд бўлган ишлаб чиқариш чиқиндилари фойдаланиладиган, ишлаб чиқариладиган, қайта ишланадиган, ҳосил қилинадиган, сакланадиган, ташиладиган, йўқ қилинадиган;

- 2) 0,07 Мпа дан ортиқ босим остида ёки ишлатиладиган суюқликнинг нормал атмосфера босимидағи қайнаш ҳароратидан ортиқ ҳароратда ишлайдиган ускуналардан фойдаланиладиган;
- 3) күчмас асосга ўрнатилган юк күтариш механизмлари, эскалаторлар, осма йўллар, фуникулёрлардан (тоғ темир йўлларидан) фойдаланиладиган;
- 4) қора ва рангли металлар эритмалари ҳамда ушбу эритмалар асосида қотишмалар олинадиган;

5) кончилик ишлари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва бойитиш ишлари, шунингдек ер ости шароитида иш олиб бориладиган корхоналар ёки уларнинг цехлари, участкалари, майдончалари, шунингдек бошқа ишлаб чиқариш объектлари киради. Хавфли ишлаб чиқариш объектлари саноат хавфсизлиги соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи (бундан буён матнда маҳсус ваколатли давлат органи деб юритилади) томонидан хавфли ишлаб чиқариш объектларининг давлат реестрида албатта ҳисобга олинади.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Саноат хавфсизлиги соҳасида давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳсус ваколатли давлат органи, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ саноат хавфсизлиги соҳасида айрим ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Саноат хавфсизлиги соҳасида давлат томонидан тартибга солиш; саноат хавфсизлиги талабарини белгилашни; саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини; хавфли ишлаб чиқариш объектларида кўлланиладиган техника курилмаларини сертификатлаштириши; фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашни; саноат хавфсизлиги экспертизасини; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чораларни ўз ичига олади.

2. Саноат хавфсизлигини бошқаришда давлат тизими

Саноат хавфсизлигини хуқукий ва норматив актлар. Саноат хавфсизлигини қонунидаги саноат хавфсизлиги соҳасида маҳсус белгиланган бошқариш органи.

“Саноатгеоконтехназорат” Давлат инспекцияси фаолиятида назорат қилиш.

“Саноатгеоконтехназорат” Давлат инспекцияси маҳсус рухсат этилган функциялари.

“Саноатгеоконтехназорат” Давлат инспекцияси масъул шахсларини ўз вазифасини бажаришда ваколатлар.

Хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланувчи ташкилот: саноат хавфсизлиги соҳасидаги қонун хужжатларида, шунингдек норматив техник хужжатларда кўрсатилган талабларга риоя этиши;

хавфли ишлаб чиқариш обьекти ходимлари штатининг белгиланган талабларга мувофиқ тўлдирилишини таъминлаши;

хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги ишга оид малака талабларига жавоб берадиган ва кўрсатилган ишга тиббий жиҳатдан лойик шахсларни қўйиши;

хавфли ишлаб чиқариш объектлари
ходимларининг тайёргарликдан ва
аттестациядан ўтказилишини
таъминлаши;

ишлаб чиқариш жараёни устидан
назорат қилувчи зарур асбоблар ва
тизимларининг белгиланган талабларга
мувофик мавжуд бўлиши хамда
ишлашини таъминлаши;

Конуннинг 15-моддасига мувофик саноат хавфсизлиги экспертизаси ўтказилишини, шунингдек хавфли ишлаб чиқариш объектида қўлланиладиган иншоотлар ва техника қурилмалари диагностикаси, синовлари, текшируви ўтказилишини белгиланган муддатларда ва маҳсус ваколатли давлат органи ёки қонун ҳужжатларига мувофик саноат хавфсизлиги соҳасида айрим ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органларининг белгиланган тартибда такдим этиладиган ёзма кўрсатмасига биноан таъминлаши;

хавфли моддаларни саклашга оид саноат
хавфсизлиги талабарининг
бажарилишини таъминлаши;
саноат хавфсизлиги декларациясини
белгиланган тартибда ишлаб чиқиши ва
тасдиқлаши;

махсус ваколатли давлат органи ва қонун
хужжатларига мувофик саноат
хавфсизлиги соҳасида айрим
ваколатларга эга бўлган бошқа давлат
органларининг буйруклари, карорлари
ва ёзма кўрсатмаларини бажариши;

3. Хавфсизлиги декларацияланиши керак бўлган хавфли ишлаб чиқариш обектлари

Қонун ҳужжатларига мувофиқ хавфли ишлаб чиқариш обектларининг биринчи типига мувофиқ бўлган лойиҳаланаётган ва фаолият кўрсатаётган хавфли ишлаб чиқариш обектлари саноат хавфсизлигини мажбурий декларациялашга тегишли бўлади.

Бошқа хавфли ишлаб чиқариш обектларининг саноат хавфсизлигини декларациялаш ихтиёрий асосда амалга оширилади.

Мажбурий декларацияланиши керак бўлган хавфли ишлаб чиқариш обектларини идентификация қилиш хавфли ишлаб чиқариш обектидан фойдаланувчи ташкилот, шунингдек саноат хавфсизлиги экспертизасини ўтказиш юзасидан аккредитатсияга эга бўлган эксперт ташкилоти томонидан амалга оширилади.

Мажбурий декларацияланиши керак бўлган хавфли ишлаб чиқариш обекти идентификация қилинган тақдирда ташкилот раҳбари ушбу обект тўғрисидаги маълумотларни фавқулодда вазиятлар бўйича тегишли худудий бошқармага ва "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекциясининг минтақавий органларига, юқори ташкилотга, вазирлик ёки идорага (мавжуд бўлганда) ҳамда хавфли ишлаб чиқариш обекти жойлашган ҳудуддаги маҳаллий давлат ҳокимияти органига тақдим этади.

Фавқулодда вазиятлар бўйича худудий бошқармалар ва "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекциясининг минтақавий органлари ҳар йили ўзларининг марказий аппаратларига, хавфсизлиги мажбурий декларацияланадиган хавфли ишлаб чиқариш обектлари рўйхатига киритиш учун умумлаштирилган ахборот тақдим этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси ўзларининг бўлинмалари томонидан тақдим этилган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда хавфсизлиги мажбурий декларатсияланадиган хавфли ишлаб чиқариш обектлари рўйхатини шакллантирадилар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этадилар.

4. Хавфсизликнинг комплекс тизимлари

Обектларнинг самарали хавфсизлик тизимини яратишда унга барча содир бўлиши мумкин асосий хавфни қамраб оладиган ҳолда комплекс ёндашилмасдан иложи йўқ. Шу туфайли бундай тизимни яратишда ҳар томонлама умумлашган ҳимоя қурилмаларини яратиш зарурияти туғилади. Табиийки, бунда маълум чекланишлар унинг таннархини ҳисобга олганда кўринади. Энг аввало, хавфсизлик тизимини қуришни амалга оширишнинг асосий кетма-кетлик босқичини кўриб чиқамиз. Умуман олганда қуйидагиларни аниқлаш лозим бўлади: нимани ҳимоялаш (обектни); нимадан ҳимоялаш (хавфдан); қандай ва қанақа усуллар ва воситалар билан ҳимоялаш.

Нимани ҳимоялаш, умумий күринища қандай хавф бўлиши мумкинлигини билдиради: инсон (ва бошқа тирик мавжудотлар) соғлиғи ва ҳаёти; фаолият муҳити (охирги натижада мос равиша олдинги иккита бандга боғлик ҳолат); мулк; ахборот. Бу тушунчаларга ҳимоя обектиning барча асосий элементлари киради.

Хавфсизлик тизими эслатилган қандай асосий вазифаларни ечиши лозим. Бу умумий ҳолда қуидагилар бўлиши мумкин: обектning хавфсиз ҳолатини ушлаб туриш (ҳаёт фаолияти); хавфни бартараф қилиш; хавфни аниқлаш; хавфга қаршилик қилиш ва уни йўқотиш.

Амалиёт кўрсатадики, хавфсизликни таъминлашда алоҳида махсус тизим ёки унинг бўлинмалари кўп холларда етарли бўлмайди. Бу муаммони тўлиқ ҳал этиш фақат хавфсизликни таъминлайдиган барча воситаларнинг техник (ТТ), ресурсли техника (РТ) ва хуқуқий таъминоти (ХТ), бундан ташқари, хизмат фаолиятини ташкиллаштиришнинг (ХФТ) яхлит бирлашган хавфсизлик тизимига бирлаштириш асосида бўлиши мумкин. Бунда техникавий таъминлаш физикавий сезгир қурилма ва жихозларни, яъни аппаратли ҳамда дастурли воситаларни ишлатиш назарда тутилади.

Ресурсли таъминот қуидаги учта ташкил этувчиларни ўз ичига олади: молия; моддий-техникавий таъминот; меҳнатга ҳақ тўлаш, меъёrlаш, техника хавфсизлиги ва шунга ўхшаш- ларни ўз ичига оладиган меҳнат ресурслари;

Хавфсизлик хизматининг иш фаолиятида қонунчилик ва меъёрий база ҳуқуқий таъминлаш ҳисобланади. Хизмат фаолиятини ташкиллаштириш, яъни куч ва воситалар, ташкилий-штат тадбирлари, ўқитиш, малака ошириш, ижтимоий ҳимоя ва шунга ўхшашларни жой-жойига кўйишидир.

Обектни ҳимоя қилиш масалалари нафакат комплекс, балки алохидә қисмларга бўлиб ҳал этилади.

Унинг таркибига куйидагилар киради:
ахборот йиғиш, қайта ишлаш ва бошқариш
тизими (АЙҚИБТ);

обект ҳолатини назорат қилиш воситалари
(ОҲНҚВ);

бошқариш тизими (БТ);
тизимга бўлган назорат ва бошқариш руҳсати
(ТБНБР);

хабарларни узатиш тизими (ХУТ);
хабарлаш воситалари (ХВ);

ахборотларни акс эттириш (ААЕ);
мълумотларни қайд этиш (МКЕ);
хавфга қаршилик ва бартараф этиш
(ХҚБЕ);

електр энергия таъминоти (ЕЕТ).

Юқорида санаб ўтилган жиҳозларнинг хусусиятлари ва таркибини кўриб чикамиз.

5. Алгоритмик тизимлар ҳақида тушунча

Алгоритм сўзи ва тушунчаси IX асрда яшаб ижод этган буюк бобокалонимиз Мухаммад ал-Хоразмий номи билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг арифметикага бағишлиланган “Алжабр ва алмуқобала” номли асарининг дастлабки бетидаги “Дихит Алгоритмис” (“Дедики Ал-Хоразмий”нинг лотинча ифодаси) деган жумлалардан келиб чиқкан.

Ал-Хоразмий биринчи бўлиб ўнлик саноқ тизимиning принципларини ва унда турли амаллар бажариш қоидаларини асослаб берди. Бу эса ҳисоблаш ишларини ихчамлаштириш ва осонлаштириш имконини яратади. Чунки бу билан ўша даврда қўлланилиб келинган рим рақамлари ва сонларини сўзлари орқали ёзиб бажаришдаги нокулайликлар бартараф этилди.

Дастлаб алгоритм дейилган ўнлик саноқ тизимдаги сонлар устида турли арифметик амаллар бажариш қоидалари тушуниб келинган.

Ал-Хоразмийning илмий асарлари фанга алгоритм тушунчасининг киритилишига сабаб бўлди.

Алгоритм нима? Умуман олганда уни аник таърифлаш мушкул. Лекин алгоритмning моҳиятини аник ва қатъйроқ тушунтиришга ҳаракат қиласиз.

Алгоритм деганда бирор мақсадга эришишга ёки қандайдир масалани ечишга қаратилган буйрукларнинг аник, тушунарли, чекли ҳамда тўлик тизими тушунилади.

Алгоритмга қуийидагича таъриф бериш мумкин:

Алгоритм деб аниқ натижага олиб келадиган амалларнинг чекланган кетма-кетлигига айтилади.

Алгоритмнинг хизмати нимадан иборат?

Алгоритмлар-бу билимлар устида фикрлаш ва этказиб беришдан иборат. Ҳақиқатан ҳам кимдир

қандай масалани ечиши ўйлаб топиб ва уни бошқаларга айтмоқчи бўлса, у ҳолда ўйлаб топган
ечимини шундай

тасвирлаши керакки, натижада бошқалар ҳам уни тушунсин, ҳамда шу тасвирга кўра бошқалар ҳам масалани тўғри ечин. Шунинг учун тасвир бир неча талабларга бўйси ниши керак.

“Балиқ склети” схемаси

